IX. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади,бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами	**6581,0**	**100,4**	**100,0**
шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича			
давлат мулки	1,9	127,3	-
нодавлат мулки	6579,1	100,7	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	5302,4	97,3	80,6

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1847,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 114,5 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 4733,8 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 4,2 фоизга камайган. Товар айланмасининг умумий хажмида унинг улуши 71,9 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрдасавдо айланмаси таркиби қуйидагича фодаланади

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Товар айланмаси	**6581,0**	**100,4**	**100,0**
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	1847,2	114,5	28,1
уюшмаган савдо	4733,8	95,8	71,9

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 204,8 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 75,2 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январ-декабрда**иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 5364,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан, қишлоқ жойларида 1511,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,2 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-декабрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 103,6 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами хизматлар	**5364,1**	**103,6**	**100,0**
шу жумладан:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	315,0	114,5	5,9
Молия хизматлари	463,7	121,2	8,6
Транспорт хизматлари	1539,7	102,7	28,7
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	224,8	80,8	4,2
Савдо хизматлари	1765,9	100,2	32,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	155,8	102,5	2,9
Таълим хизматлари	218,1	132,5	4,1
Соғлиқни сақлаш хизматлари	96,9	106,5	1,8
Ижара ва прокат хизматлари	146,7	100,7	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	138,3	101,7	2,6

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Шахсий хизматлар	121,4	100,3	2,3
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	43,6	100,5	0,8
Бошқа турдаги хизматлар	134,2	105,3	2,5

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (32,9 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (28,7 фоизи), молиявий (8,6 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш (4,2 фоизи) ва таълим (4,1 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (21,2 фоизга кўп), таълим хизматлари (32,5 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет”тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (14,5 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

2017 йил январь-декабрдабозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари